



ХАБАР

نەبەر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 10 ноябрь № 45 (170) •

Сотувда нархи эркин

БАЖАРАДИГАН ИШЛАР КЎП...

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги қорхоналари, ташкилотлари, концерни ва вазирлик бўлиmlарининг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда вазирликнинг бош ҳисобчиси О. О. Жумаев шу йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича ахборот бериб, ўз вақтида тулов, ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилмагани учун қорхоналарнинг дебитор қарзлари кўпайиб, иш ривожига таъсир кўрсатганини, бу ҳолат Давлат солиқ назорати ходимлари томонидан олиб борилган текширувларда қайд этилганини, алоқа қорхоналарининг раҳбарлари мавжуд камчиликларни бартараф этиб, жойлаша мольвий аҳволини яхшилаш чораларини қуришлари лозимлигини айтиб ўтди.

«Ўзбектелеком» концерни раиси Т. М. Бикметов концерн қорхоналари фаолияти тўғрисида сузлаб, шу кунга қадар хорижлик ҳамкорлар билан олиб борилган ишлар ҳақида маълумот берди. Концерн олдига жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент, Наманган, Гулистон шаҳарларида хориж фирмалари иштирокида қурилаган янги алоқа иншоотларини фойдаланишга топшириш, келгусида ҳам чет эл фирмалари билан янги

шартномалар тузиш лозимлигини таъкидлади.

Алоқа қорхоналари раҳбарлари — В. Г. Будагов, М. Ш. Зоҳидов, Ш. Ш. Исломов, Т. У. Урозбосов, К. Р. Усмонов, А. Т. Тоғайалиев, А. Н. Кудинов, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Н. Назаржонов, вазир уринбосарлари — В. А. Кравченко, А. Ҳ. Журабосовлар тилга олган масалалар ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Йиғилишда Алоқа вазир Т. Ғ. Раҳимов сузга чиқиб, республика телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасидаги Миллий дастурда белгиланган талабларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, меъерий ҳужжатларни тайёрлаш, хусусийлаштиришни тезлаштириш, соҳага хорижий сармояларни кўпроқ жалб этишга аҳамият бериш, шунингдек, мольвий масалалар ечимини топиб, ўз вақтида тулов ва ҳисоб-китоб ишларини бажариш зарурлигини уқтириб ўтди.

Йиғилишда барча алоқа қорхоналари йилни муваффақиятли яқунлаш чора-тадбирларини қуришлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

А. КУДИНОВ

Алоқа вазирлигига қарашли Ихтисослаштирилган лойиҳа-конструкторлик бюроси абонентларнинг ҳамени кўтаридиган телефон аппаратлари ишлаб чиқаришга киришди. Бу ерда авваллари таксофон ва телефон аппаратлари учун айрим қисмлар тайёрланарди. Энди эса телефон аппаратлари ишлаб чиқаришга киришди. Жамoa баъзи қисмларни етказиб бериш бўйича Ўзбекистон ва

чиroyли бу аппаратлар электрон таркиби жиҳатидан ҳам чет элларникидан қолишмайди. Тошкент тамгаси босилган ана шундай аппаратлардан икки минг донаси харидорлар қўлига теги. Нархи эса хориждан келтирилаган аппаратларга нисбатан 30-40 фоиз арзон. Рақам тергичлари ҳам дискли, ҳам тугмачали. Шу йилнинг охиригача камида 10 минг дона телефон аппаратлари тайёрлаш

ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ ҲИМОИДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

МДХ мамлакатларидаги айрим қорхоналар билан битимлар тузди.

Ригадаги «ВЭФ-телефон» заводи телефон аппаратларининг пластмассали устки қисмини етказиб бера бошлади. Қолган ҳамма технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларини Ихтисослаштирилган лойиҳа-конструкторлик бюросининг ўзи бажармоқда. Ягона технология асосида тайёрланаётган қисмлар йиғув шехида бутланиб, телефон аппаратларига айлантирилгандан сўнг синновдан ўтказиш учун топширилмоқда.

Турли рангдаги бежирим,

мўлжалланган. 1996 йилдан бошлаб эса йилига 100 минг дона ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистоннинг биринчи телефон аппаратлари йирик қорхонада эмас, балки конструкторлик бюроси цехларида ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда истеъдодли конструкторлар, моҳир муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилишади. Уларнинг бой тажрибаси рақобатбардор мураккаб аппаратлар яратиш имконини бермоқда.

А. ДАРВИШЕВ



Тошкент телефон тармоғида марказлаштирилган тузатиш бюроси тузатилиб, ҳар бир туғида автоматик тузатиш бюроси ташкил этилди. Бу тadbир мижозларнинг талаб-истакларини ижрозчиларга тезроқ етказиш имкониятини бермоқда.

Суратда: Собир Раҳимов туғуни автоматик тузатиш бюроси ходимлари Р. Маликова, Н. Сураталиева, М. Маринова ва Т. Донскайлар иш устида.

Сураткаи: Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар

• Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган «Асака» давлат-акционерлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида» қарори эълон қилинди.

• Германия Федерал Президенти Роман Герцогнинг тақдифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов рафиқаси билан шу йил 14-16 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлади.

• Олий Мажлис Раиси Эркин Халидов 7 ноябрь кунин Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Факултода ва Мухтор элчиси Стегели Туэмлер Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

• Фанлар академиясининг умумий йиғилишида дав-

латимиз раҳбари Ислоом Каримов тасвир қилган икки номзоддан бири — таниқли математик олим Тўхтамурод Жўраев кўпчилик овоз билан Фанлар академияси президенти этиб сайланди.

• Россия Президенти Фармонин билан Чеченистондаги федерал қўшинларининг собиқ қўмондони, уюштирилган террорчилик ҳаракатидан сўнг оғир жараҳат олиб, шифохонада даволанаётган генерал Анатолий Романовга Россия Федерацияси Қаҳрамонин унвони берилди.

• Исроил Бош вазир Исҳоқ Рабин Тель-Авивда Яқун Шарқда тинчлик ўрнатишни қўллаб-қувватлашга бағишланган кўп минг кишилик митингга нутқ сўзлаган пайтда Тель-Авив талабаси томонидан отиб улдирилди.

• АКШнинг Огайо штатидаги ҳарбий ҳаво кучлари қароргоҳида бир неча кунлик танлаффуздан сўнг Босниядаги вазиятни ҳал этиш бўйича муозакаралар яна давом эттирилди.

ШУ СОҲБА ШОҲИЛИ ВАРҶНОМА ОБУНА БЎЛИШДИ

«Шаҳрисабз шаҳар почта алоқа боғламасининг жамoa аъзолари 130 нусхадда «Хабар» газетасига обуна бўлдилар. Айни пайтда бошқа газетажурналларга обуна қизгин бормоқда.

Шаҳрисабз шаҳар почта алоқа боғламаси бошлиғи муовини Маҳмудов.»

• Обуна — 96

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

Обуна баҳоси:

Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистонда:

Якка тартибдаги обуначилар учун:
6 ойга 112 сўм 80 тийин. 12 ойга 225 сўм 60 тийин.

Ташкилотлар учун

6 ойга 151 сўм 80 тийин. 12 ойга 303 сўм 60 тийин.

Тошкент шаҳрида:

Якка тартибдаги обуначилар учун:
6 ойга 84 сўм. 12 ойга 168 сўм.

Якка тартибдаги обунани абонент кутуларига расмийлаштирган ҳолларда:

6 ойга 66 сўм. 12 ойга 132 сўм.

Ташкилотлар учун:

6 ойга 160 сўм. 12 ойга 304 сўм.

Ташкилотлар обунани абонент кутуларига расмийлаштирган ҳолларда:

6 ойга 126 сўм. 12 ойга 252 сўм.

Нашир кўрсаткичи: 64600.

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Пиру-бадавлат қарияларимиз инсоннинг пешонасида битилгани булади, тақдирдан қочиб бўлмади дейишади. Ҳақ гап. Абдулбори Ҳасанов тасо-



дифан алоқа соҳасига келиб қолгани йук.

Усмирлик чоғларида уйларидаги телевизорлари тез-тез бўзилиб қоларди. Шундай пайтда маҳалладош қўшнилари Қодир ака телевизорни тузатар, еш Абдулбори эса қизиқиш билан устанинг ишларини кузатар, зарур бўлса ердамлашар эди. Вақт утган сайин унинг қизиқиши кучайиб, радио, телевизор нозозликларини узи мустақил тузатадиган бўлди. У

электрон техниканинг барча сирасорларини билгиси келар, шу мақсадда радио-техникага оид журналларни мутолаа қилар, техника нашрларининг ҳар бир сонини йилги борар эди. Аммо у назарий билим олмасдан туриб келажакда олдиға куйган мақсадларига эришиб бўлмастлигини тушуниб етди. Шу боис мактабни битиргач, 1967 йили Тошкент алоқа политехникумига (ҳозирги алоқа коллежи) ўқишга кирди. Ушбу даргоҳда билимини ошириб, дипломат бўлгандан сўнг армияда хизмат қилди.

Абдулбори йигитлик бурчини утаб қайтгач, туғри республика Алоқа вазирлигининг ходимлар бўлими бошлиғи, соҳа фидоийси Ҳоҗия Маҳмадовага учради. У кишининг маслаҳати билан вазирликнинг давлат электралоқа назорати гуруҳида муҳандис бўлиб ишлай бошлади...

Мана шунга ҳам 23 йил бўлибди. Абдулбори ака мана шу муддат ичида ўз малакасини ошириб, тажрибали алоқачи бўлиб етишди. 1975-1976 йиллари Алоқа вазирлигининг биринчи уринбосари Б. И. Логиновнинг тавсияси

билан Бишкек, Украина, Москвада бўлиб, алоқачи ҳамкасблари тажрибасини урганди. Бу орада Тошкент Электротехника алоқа институтида сирдан ўқиб, олий маълумотли мутахассис бўлди. Давлат электралоқа назорати гуруҳи республика миқёсидаги нуфузли ташкилот — Республика Электромангнит мослашув марказига айлантирилди. Абдулбори ака 1994 йилдан буён ушбу марказга раҳбарлик қилаётган.

— Марказимиз зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган, — дейди биз билан суҳбатда Абдулбори ака. — Республика миқёсидаги электралоқа воситаларини ҳисобга олиш, улардан фойдаланишга рухсат беришдан тортиб то радиохаваскорлар ишини назорат қилиш каби қатор муҳим вазифалар бизнинг гарданимизда. Ҳозир вилоятлардаги давлат электралоқа назорати бўлимларида 114 нафар ходим хизмат қилади. Ҳар ҳафтада ишимизни режалаштириб борамиз. Жойлардаги бўлимларимиз фаолиятдан доимо хабардорлигимиз сабабли ҳам ишимизда яхши самараларга эришмоқда.

— Муаммолар ҳам етарли бул-

са керак? — дея раҳбарни ошқора суҳбатга чорлайман.

— Ютуқлар бор жойда муаммолар ҳам бўлиши табиий, — дейди Абдулбори Ҳасанов. — Шу кунларда фойдаланилаётган техника воситаларининг аксарияти давр талабига жавоб бермайди, барчаси эскирган. Ҳозир бошқалардан ердам кутиб, қуд қонуштириб утирадиган замон эмас. Шунинг учун ҳам муаммоларни жамоамиз аъзолари билан ҳамжиҳатликда ҳал қилишимиз. Тўққиз ойлик натижаларига кўра жорий йилда 520 минг сум фойда ва 7,7 миллион сум даромад қилдик. Шу боис ҳам даромадимиз ҳисобидан тургта замонавий электрон компьютерлари ҳамда иккита кенг диапазонли радиовосита сотиб олдик. Ташкилотимизни зарур техника воситалари билан таъминлашни энг муҳим вазифа қилиб белгилангиз.

Электромангнит мослашув марказида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда ходимларнинг ўртача иш ҳақи бошқа корхоналарга нисбатан анча юқори. Шунингдек, ташкилотнинг

еш болали аёллари меҳнат таътилига чиқатганда жамоа шартномасига мувофиқ қўшимча яна уч кун дам олиш учун берилади. Ушбу шартномага асосан ун йилдан зиёд узлуксиз меҳнат қилган ходимнинг телефон учун хизмат ҳақи ташкилот томонидан тулаб берилади.

— Марказимиз куплаб вазирлик, ташкилот ва корхоналар билан иш олиб боради, — дейди А. Ҳасанов. — Шу кунга қадар ҳамкорларимиз билан норози бўлишгани йук. Бунда жойлардаги бўлим бошлиқлари — Қорақалпоғистондан Қувватбек Нажимов, Сирдарёдан Илҳом Ҳоҗиниёзов, Самарқанддан Петр Петров, Қашқадарёдан Мурод Жураевларнинг хизматлари салмоқли бўлмоқда.


Абдулбори ака ўз ҳамкасблари ҳақида қувониб, фахрланиб сузлади.

Ҳа, раҳбарнинг қувонганича бор. Ишончли, ҳаммаслақ одамлар билан меҳнат қилишнинг ҳосияти куп. Қаторда нори борнинг эса юки ерда қолмайди.

**Абдулбори
АБДУРАҲМОНОВ,
«Хабар»нинг махсус
мухбири**

Ҳаётда одамхун, соддадил, хушқачқак одамлар куп. Улар билан учрашганинда қаердадир кургандай, тишлай буласан, суҳбатларидан баҳри-дилнинг очилади. Фотиҳ ака Самадов билан учрашувимиз худди шундай бўлди. У киши Чилонзор алоқа тармоқлари корхонасида линия муҳандиси бўлиб ишлайди. Алоқа соҳасида 26 йиллик иш

— Фарзандимдай бўлиб қолган шогирдларим куплигидан фахрланиб юрман, — дейди Фотиҳ ака. — Айниқса улар ҳол-аҳвол сураб турса, хурсанд буларкансан киши. Яқинда шогирдларимдан бири Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш корхонасига бошлиқ бўлди. Шунда кўксим тоғдек кута-



Соҳа мутахассислари Тошкент Электротехника алоқа институтининг радиоалоқа қурилиши ва тизими лабораториясига тажриба алмашиш учун тез-тез келиб туришади.
Суратда: лаборатория мудир С. Васильев ва Алоқа вазирлигининг бош мутахассиси М. Содиқовалар.

УНИНГ ШОГИРДЛАРИ КУП...

тажрибасига эга булган бу инсон ўз касбини жон-дилдан севди.

Ҳар кимнинг тақдири ҳар хил кечади. Фотиҳ аканинг ешлиғи Хитойда утган. У алоқа коллежини уша ерда туғатган. 1969 йили Қозоғистонга, ундан Тошкентга келиб, «Тоштелефонқурилиш» корхонасида иш фаолиятини бошлади. 48-АТСда пайвандловчи, сўнг Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш корхонасида АТСлар буйича экспедиция бўлимида ишлади.

— 70-йиллари алоқа соҳасида маҳаллий халқ орасидан чиққан мутахассислар санокли эди, — деб эслайди Фотиҳ ака. — Айниқса, қаловловчи, пайвандловчилар етишмасди. Энг қийин участкаларда ҳамма ҳам ишлайвермасди.

Фотиҳ Самадов Тошкентдаги қайси АТСда ишламасин, астойдил меҳнат қилди, обрў топти, шогирдлар тайёрлади. Ҳозирги кунда у кишининг шогирдлари нафақат пойтахтимиздаги АТСларда, балки Қозоғистон, Қирғизистон, Россия шаҳарларида ҳам ишлашмоқда.

рибди, ўз ишимга меҳрим яна ошди.

Ҳа, қилинган меҳнат самарали бўлса, ишиндан инсонларга нафитг тегса, лемак умр беҳуда утмайпти. Фотиҳ Самадов ўз касбининг моҳир устаси. Шу боис уни энг қийин участкаларга ишга юборишади. Ҳозирги ишлаётган корхонасида ҳам ишлар улда-жудда қолиб кетганди. Фотиҳ ака келди-ю ишлар юришиб кетди. Илгари назардан четда қолиб кетган маҳаллаларга телефонлар урнатилди, алоқа хизмати яхшиланди.

Саматовлар оиласини алоқачилар сулоласи дейишади. Раҳиқаси Л. Сеутова С. Раҳимов тумани телефон тармоқларида ҳисобчи, катта угли Фарҳод 76-АТСда мантур, кичик угли Шўҳратжон Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш корхонасида муҳандис бўлиб ишлайди. Фотиҳ Самадов камтарона меҳнати билан обрў топган инсон. Эзгу нияти инсонларгина ўз тақдирдан, ўз ишдан қониқиб яшайди. Фотиҳ акага шундай бахт насиб етган.

Иззат АҲМЕДОВ

Алоқа мамбуот кўзуисид ЖАҲОНГИР СЎЙМОСИ

1916 йили Санкт-Петербургда Россия Почта Иттифоқи томонидан Амир Темуру сиймоси тасвирланган почта маркаси чиқарилган. Бу марка XVII аср шарқ минаюраларидан Полякова олган фотосурат асосида чоп этилган.

АРЗОНГА ТУШАР ЭКАН

Бундан бир йил муқаддам телефон хизмати учун вақтбай асосида ҳақ тўлашга ўтган дастлабки Россия шаҳарларидан бири Кемерово ҳисобланарди. Ушанда шаҳар ахлининг купчилиғи энди телефонда сўзлашганлик учун олинадиган ҳақ ошиб кетади дея норози бўлишганди. Мана, орадан бир йил ўтди. Натижа қандай бўлди дейсизми? Маълум бўлишича, ҳисоблагич орқали ҳақ тўлаш қайтаган арзон экан. Ойига 300 дақиқа сўзлашадиган мижозларнинг 70 фоизи ўртача абонент ҳақи даражасида туларкан, 15 фоизи эса мулақо телефон қилмагани учун пулини ҳам тўламайди. Энди мижозларнинг 48 фоизи вақтбай асосида, фақат 32 фоизигина эски қоғдага кўра хизмат ҳақи тўлаш тарафдоридир.

АТС ИШГА ТУШДИ

Душанбеда жаҳон андозларига мос янги телефон алоқаси маркази ишга туширилди. Уни Тожикистон Алоқа вазирлиғи ва Жанубий Кореянинг «ДЭУ электроникс» фирмаси бунёд этди. Мазкур телефон алоқа маркази 10 миллион нуқтага эга.

Тожикистонда Жанубий Кореянинг бу фирмаси билан ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Кореяликлар Турсунзода шаҳридаги АТСни ҳам қайта қуришга киришдилар.

Алоқа тафтишидан

АВИАПОЧТАГА ҚАДАР

Самолёт ихтиро қилинмасдан анча илгари ҳам ҳаво почтаси қўлланилган қадим замонларда хат-хабарлар каптарлар орқали жўнатишган. Ўтган асрда эса бу мақсадда ҳаво шарларидан фойдаланилган. Мактублар ичи говак замбарак ўқида ҳам «сайр» қилган. Тасаввур қилинг, қадимий шаҳар тиштинроғиғача қуролланган душман томонидан қуршаб олинган. Қуршовлагиларнинг аҳволи тобора танглашиб бормоқда. Олисадаги дўстлардан ердам сўрашнинг эса илоҳи йўқ. Ҳўш, қандай чора қўриш керак? Шундай пайтларда қуршовлагилар наҳот сўраб битилган хатларини замбарак ўқилари ёрдамида жўнатишган.

ҚАЙТА ИШГА ТИКЛАНДИ

Шу йил газетамизнинг сентябрдаги № 37 сонида Алоқа вазирлиғи Назорат-тафтиш бошқармаси бош ҳисобчиси У. Ҳакимовнинг ишдан бўшатилганлиғи ҳақида маълумот бергандик.

Назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғининг 14 сентябрдаги буйруғи билан У. Ҳакимов яна ўз лавозимига тикланди. Шундан кейин У. Ҳакимов хат асосида илгариги ишдан овоз этилиб, кўчириш йўли билан «Ўзбектелеком» концернининг 26 сентябрдаги буйруғига кўра концернга бош ҳисобчи муовини вазифасига ишга ўтди.

ЭЪЛОН

Мирзо Улугбек Саноат-қурилиш банкда
№000467299 ҳисоб-китоб рақамли
«МАШҒАЛ» фирмаси ўз фаолиятини ТУХТАТДИ.

Телефонда сузлашининг узига хос маданияти, одоби, қондалари борки, кундалик ҳаётда бунга ҳаммиша ҳам амал қилавермаймиз. Айтмайлик, бирон жойга телефон қилмоқчисиз. Шунда биринчи галда сизга нима керак бўлади? Албатта уша жойдаги телефон рақами-да! Нега ҳаммага аён бу оддий ҳақиқатни эслатмасиз дейсизми? Бердисини айтгунча шошманг.

Айтишларича, шахмат буйича жаҳон чемпиони Г. Каспаровнинг хотираси ниҳоятда кучли экан. У узига зарур бўлган телефон рақамларини ёдда сақлаб қолгани учун махсус дафтар тутмас экан.

Афсуски, ҳамма ҳам Каспаров бўлмайди. Чора битта — телефон рақамлари учун алоҳида ена дафтар еки махсус дафтар туттиш лозим. Куччилик шундай қилади

хам. Лекин оддий тартиб-интизомни назар-писанд қилмайди-ган кишилар ҳам борки, улар лоқайдликлари учун аввало узлари азият чекадилар, керакли телефон рақамини қидириб (бир парча қоғозга, газета чеккасига пала-партиш езиб қуйилган рақамни топиш осон бўл-

уйда бўлсин, телефон енида қоғоз-қалам ҳаммиша тахт туриши керак!

Одатда хотира ҳар қанча заиф бўлса ҳам яқин ёру биродарлар (яқин дустлари саноқли бўлади), тез-тез мурожаат қилинадиган идоралар-

нозик, хафа бўлиши мумкин...

Яна бир дустим бор, уйига телефон қилсам узидан олдин болакайлар югуриб келиб гушакни (қушинча гушак нотугри қуйилгани учун телефон қилиш мумкин бўлмайди) олишади. Бутун суҳбат давомида қий-чув, шовқин-сурон эшитилиб туради. Қайта-қайта ерга тушавериб, қирқ жойидан ураб-чирмаб ташланган телефон аппарати куз олдимга келади. Дустим гоҳо суҳбат давомида «Шошманг, бир минут...» дея болалари билан анлармон бўлиб кетади, мен бу еқда энсам қотиб, кутиб утираман... Гоҳо, ҳазиллашиб, «Нима қиляпсиз узи, болани эмизяпсизми?» деб қуяман.

Бу ҳолат ҳам сизга таниш туюлмаётими?

Умуман, шундай кунгилсиз ҳолатларнинг бўлмаслиги учун нима қилиш керак деб уйлайсиз?

Ш. ОТАБЕК

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

майди), беҳуда вақт сарфлайди. Уша рақамни топиб беришларини сураб ҳамкасблари, яқин дустларини ҳам безовта қилади. Бу ҳам камлик қилгандек, илтимос қилинган рақамни айта бошласангиз «Шошмай туринг, қоғоз-қалам қидирай» дей узоқ муддат куттириб қуйишдан хижолат чекмайди. Ваҳоланки, хоҳ ипхонада, хоҳ

нинг телефон рақамлари ахирри бориб ёдда қолади.

Бир журналист дустим бор. Ниҳоятда назокатли, мала-ниятли, истеъдодли йигит. Ана уша дустимга даврдонг улфатларимиздан биронтасининг телефон рақами керак бўлиб қолса, ҳаммиша менга мурожаат қилади. Афсуски, унга танбех беролмайман, кунгли

АМИР ТЕМУР ҲИТЛАРИ

Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, хурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомаллада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю кўрқув бўлса, унут бўларди.

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун эҳсоним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

Ҳеч кимга газаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг газабига дучор бўлмайин ва ишмини бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.

Одамимиз кам, агар худо кўрсатмасин кўзга захм еткүдлай бўлса, кейин тўпланиш мушкуллашади.

Ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сураб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқларини, туриш-турмушларини, қилиш-қилмишларини, айтган гапларини хотирамда сақладим ва хуш ахлоқлари маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларнинг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслани бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим.

КЕЛИНГ БИР КУЛИШАЙЛИК

— Мени бир куришдаёқ яхши куриб қолдингми?

— Ҳа.

— Демак, менга уйланасан.

— Албатта.

— Унда мени бир утиб қуй-чи.

— Оддин панароққа утайлик, бу ерда биронтаси куриб қолса, хотинимга айтиб қўяди.

— Уялмайсизми, судланувчи? Бу жабранувчини ҳар хил сузлар билан ҳақоқ қилганингиз етмагандек, а роса калтаклабсиз.

— Ажабланманг, жаноб судья. Бу одам ҳақида нима уйлаган бўлсам — ҳаммасини юзига айтдим, аммо унинг қар ва гунг эканлигини билгач, калтаклашдан бошқа иложим қолмади.

— Газета билан радионинг фарқини биласанми?

— Биламан, газетада ахборотни куз орқали идрок қиламиз, радиола эса...

— Э шуням билмайсанми, радиога қолбасани ураб бўлмайди.

Қиз қушниси — буйдоқ йигитга берган қарзини сурайвериб безор қилибди.

Ахирри йигит шундай таклиф қилибди:

— Яхшиси менга турмушга чиқақол, шунда бу пуллар ўзимизники бўлади.

Олессада матросликка елланмоқчи бўлган йигитдан суради:

— Сузишни биласизми?

— Нима, сизларда кема йўқми?

Она болаларидан суради:

— Кулоқ нима учун керак?

— Чузиш учун! — деди угил.

— Йўқ, исирга тақийш учун! — дея жавоб қилди кизи.



Тогларда куз.

УЗОК УМР КЎРГАНЛАР

Узоқ умр кўрган кишилар ҳақидаги маълумотларни куздан кечирганимизда Курьон ва Тавротда номи зикр этилган Иброҳим пайгамбар 175 йил, унинг хотини Сора 127 йил, Юсуф пайгамбар 110 йил, Мусо пайгамбар эса 120 йил яшаганликларини кураамиз. Шунингдек, Оврупо мамлакатларидаги тарихий манбалар Йоркшир шаҳрида 1500 йилда тутилган Женкинз исмли киши 170 йил, 1588 йилда тутилган Томас Парр эса 152 йил умр кўрганлигини қайд етлади.

Аммо то ҳанузгача Гиннесс рекордлар китобига кирмаган тарихий манбаларнинг хабар беришича, дунёда энг узоқ умр кўрган кишилар бизнинг заминимизда яшаб ўтганлигини кураамиз. Урта Осиё тарихини етган ибн Баттута ва ибн Арабшох сингари муаррихлар уз кузлари билан кўрган воқеалар ҳақида шундай гувоҳлик берадилар...

Биз Бешой тоғидаги эҳқид

БУ — ҚИЗИК

шайх Авлие ота мазорига келди. Бу шайхни яна Се сад сола (300 ешли) деб ҳам аташаркан. Айтишларича, мазкур авлие уч юз эллик ешга кирган. Халқ уни гоғтада эъозлайди. Бу ерга жуда кўп шаҳар ва қишлоқларнинг одамлари шайхни куришга келадилар.

Султон ва унинг хотини ҳам бу ерга келиб туришарди. Уч юз ешли Авлие ота бизни иззат-хурмат билан кутиб олди ва меҳмон қилди. Биз дарё бўйида, шайхнинг яқинида тўхтадик, сунг уни куришга кирдик. Авлие ота мен билан кўчқлашиб куришди, унинг териси шундай майин, юмшоқ эдикки, умримда бундай юмшоқ одамни куримагман. Бир қарашда уни эллик енда дейиш мумкин. Айтишларича, ҳар юз йилда шайхнинг сочи ва тишлари тўқилиб, янгилари чиқаркан. У гуе Абу Рўҳмани (ҳолбуки унинг мазори Синда, Мултонда) кўрган эмши. Мен шайхдан бирор ривоят (халис) айтиб беришни илтимос қилдим. У жуда кўп воқеаларни гапириб берди.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Шўҳрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Масъул қотиб)
Мирўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХУҶАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ

Билол АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул
ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарриратта келган кўлёмалар (2 оралдиқ, 5 бетдан ортиқлиги лозим) ва сурачлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақддлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидалар.
Рўйхатта олши №000011. Буғурта №Г-0533. 9894 нусxada чон этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 13

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Марфиат ёдуглари». Республика халқаро «Марфиат» жамиятининг фаолияти.
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Олам ва одам».
18.45 Доғи Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 Футбол шарҳи.
20.00 «Унутилмас сатрлар». Хусайн Бойқаро шеърляри.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 Эркин Боҳидов. «Иккинчи тумор». Оғаҳи номидаги Хоразм вилоят театрининг спектакли.
23.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионоли. Биринчи лига. «Динамо» (Урганч) — «Маданият» (Тошкент вилояти).
23.50 Ёшлар.
23.55—00.10 «Ахборот».

ЎЗТВ II студияси таъиниғлари:
18.30 Болалар учун «Кўзумчоқ».
19.00 «Тарсилот». Ахборот кўрсатуви.
19.15 «Экология ва ҳаёт».
19.45 «Чашма». «Муноҳот» фольклор-этнографик дастаси.
20.15 «Қалъа ҳавоб беради». Бадий фильм.
21.45 «Кимга қанақа?» Телетомашбинлардан келган мактувлар асосида.
22.35—23.05 «СПОРТ-ТАЙМ».
ЎЗТВ III
ЎЗТВ
17.50 Янгилıklar.
17.55 Ёшлар.
18.00 «Мўвий қуш». Ҳужжатли фильм («Ўзқинохроника»).

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.20—21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40—23.20

ЎЗТВ
23.20 «Балаҳин тўқувчилари». Телефильм.
23.30—23.35 Янгилıklar (рус тилида).
ЎЗТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10—19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мулькарусель».
«ОМАД» таъиниғлари:
19.55 Ёшлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси». Оммабон кўрсатуви.
21.40 Ёшлар.
21.45 Видео — «О».
23.25 Ёшлар.
23.30 — 23.50 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.

СЕШАНБА, 14

ЎЗТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 А. Маҳмудов. «Рўё». Теленовелла.
9.35 «Саломат бўлинг!».
10.00 Эзуғулка интилиб. «Богда борбон излари...»
10.30 Ўқув тартиби. Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Она тили.
12.00 Эркин Боҳидов. «Иккинчи тумор». Оғаҳи номидаги Хоразм вилоят театрининг спектакли.
13.40—15.40 «Умидлар йили». Видеоканал.

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Дано бобо даврасида».
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Фармон ва ижро». Консерватория муаммо ва ечимлар.
18.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатди: «Қалб садолари».
18.55 «Нон таъми».
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 Истиклол адабиёти. «Тарихимизнинг бадийи адабиётдаги талқини».
20.25 Муслиқ дақиқалар.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.

21.25 «Эътироф». Амир Темур жағармаси фаолияти ҳақида.
21.55 «Сумбула». Хонанд Муҳриддин Холқов кўйлайди.
22.30 «Олтин мерос». Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова.
23.30 Ёшлар.
23.35—23.50 «Ахборот».
ЎЗТВ II
«ОМАД» таъиниғлари:
18.30 «Мульфильм».
18.45 «Табиат дунёси». Оммабон кўрсатуви.
19.35 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 «Теле-ателье-шоу».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
22.00—23.40 «Кинонигоҳ».

ЎЗТВ III
ЎЗТВ
17.50 Янгилıklar (рус тилида).
17.55 Ёшлар.
18.00 «Зоолог нигоҳи билан». Телефильм.
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.30—9.00
18.20—21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40—23.20

ЎЗТВ
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40—23.45 Янгилıklar (рус тилида).
ЎЗТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10—19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мулькарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилıkları.
20.15 «Аэртлар куйлаганда». Киноконцерт.
20.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 «Қалбим кўри». Мусаввир А. Вахтеев.
22.25—23.25 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 15

ЎЗТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Малина виноси». Бадий фильм.
10.30 Инглиз тили.
11.00 Баҳс. «Ўзбек миллий мақом санъати».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
12.00 Ватанларавар. «Матонат».
12.50 «Алифбо сабоқлари».
13.20—15.20 «Биз талланган йул». Видеоканал.
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Умид учкунлари». Усмирлар учун тележурнал.
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Чорраха».
18.40 «Биламиз-у, аммо...» Конкурсли кўрсатуви.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 Спорт хабарномаси.
20.00 «Дил номалари». Муслиқий кўрсатуви.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Туркистон — умумий уйимиз».
22.10 «Насриддин Хўжанда». Бадий фильм.
23.40 Ёшлар.
23.45—24.00 «Ахборот».

ЎЗТВ II
«Тошкент» студияси таъиниғлари:
18.30 «Муслиқий мехмонхона».
19.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Киноқўрсатуви (рус тилида).
20.10 Абдий ёдгориқлар.
20.45 «Ўзим ҳақимда...»
21.15 «Кинематограф».
22.45—23.45 «Тошкент оқшомида».
ЎЗТВ III
ЎЗТВ
17.50 Янгилıklar (рус тилида).
17.55 Ёшлар.
18.00 Телефильмлар.
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.30—9.00
18.20—21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40—23.20

ЎЗТВ
23.20 «Куй ва соз соҳиб». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
23.35—23.40 Янгилıklar (рус тилида).
ЎЗТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10—19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мулькарусель».
«ОМАД» таъиниғлари:
19.55 Ёшлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.50 — 23.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 16

ЎЗТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Насриддин Хўжанда». Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Сихат-саломатлик» почтасидан.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 «Харакатда баракат».
12.45 «Биламиз-у, аммо...»
13.10 Ўзбек куйларидан концерт.
13.50—14.20 «Фан ва ишлаб чиқариш».
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Ов». Мульфильм.
17.40 «Сехрли мўйлакам».
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Хуқуқий жамият сари».
18.40 Муслиқий дақиқалар.
18.55 «Илоҳот ва масъулият».

ЎЗТВ II
«ОМАД» таъиниғлари:
18.30 «Дунё бошлари».
19.00 «Ўтмишиз келажак йўқи». «Прометей» клуби фаолияти ҳақида.
19.30 «Билиб кўйган яхши».
19.55 «Орхидей» вилласи. Бадий фильм.
21.25 «Транспорт ва йўловчи».
22.00 — 23.35 «Жаҳон муслиқси дурдоналари». Сергей Прокофьев. «Ромео ва Жульетта». Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли.
ЎЗТВ III



19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 «Табаррук кадамжолар». Амир Темур юбилейи олдидан.
20.20 «Юзма-юз». Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудир, иқтисод фанлари доктори Тоҳир Маликов билан мулоқот.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Ватанин севмоқ иймонданлар...»
22.25 «Олтин даврим». Халқаро талбалар кунига бағишланган кўрсатуви.
23.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатди: «Мовароуннаҳр».
23.40 Ёшлар.
23.45—24.00 «Ахборот».

ШАНБА, 18

ЎЗТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Келинлар кўзголонни». Бадий фильм.
10.15 «Оналар мактаби».
10.45 «Достон тинглаб...». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отахон Матекубов ижро этди. 1-қисм.
11.30 Ешлар ва замон. «Тойлоқ ота фарзандлари».
12.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чирок».
13.05 «Яхшилар қатори Ўлдар оғим». Собир Абдулла таваллудининг 90 йиллиғига.
14.10 — 14.45 Эстрада концерти.
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Совга».
17.55 «Олам». Маърифий кўрсатуви.
18.55 Ёшлар.
18.55 «Ишингиз бароридан келисин!»
19.05 «Тиник ранглар жилоси». Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи қабул қилинган кун.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 «Шарқ дурдоналари».
20.20 «Имкон чўққилари». Гинеснинг рекордлар оламида.
20.30 «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртақлари.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Юлдузли онлар».
22.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎЗТВ II
«ОМАД» таъиниғлари:
9.00 «Мульфильм».
9.15 «Табиат дунёси». Оммабон кўрсатуви.
10.05 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
11.30 Видеоид.
11.50 «Теле-ателье-шоу».
12.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
12.30 «Кинонигоҳ».
14.10 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
«Тошкент» студияси таъиниғлари:
18.30 Болалар учун «Табассум».
19.10 «Акс-садол».
19.40 «Менин кўчам».
19.55 «Эсдалик учун дастхат».
20.20 «Пульс». Хабарлар.
20.35 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!».
21.35 — 23.05 «Кинематограф».
ЎЗТВ III
ЎЗТВ
17.50 Дастурнинг очилиши. Ёшлар.
17.55 «Муъжизалар — гузаллик сирин». Ҳужжатли фильм («Ўзқинохроника»).

ЖУМА, 17

ЎЗТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Нозигойим». Бадий фильм.
10.25 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Ешлик» студияси. «Эъзо».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 Немис тили.
12.30 «Халқ ижодиёти». Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги «Чавку» халқ ансамбли.
12.55 — 14.55 «Маърифат» видеоканал.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтойимиз — гижинг-тойимиз».
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Таянч нуқталари».
18.40 «Бўстон» телевизион журнали.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.

19.50 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Мозий бир назар».
21.55 «Умид» Раҳабий номидаги макомчилар ансамблининг концерти.
22.35 «Келинлар кўзголонни». Бадий фильм.
23.50 Ёшлар.
23.55 — 00.10 «Ахборот».

ЎЗТВ II
«ОМАД» таъиниғлари:
18.30 «Дунё бошлари».
19.00 «Ўтмишиз келажак йўқи». «Прометей» клуби фаолияти ҳақида.
19.30 «Билиб кўйган яхши».
19.55 «Орхидей» вилласи. Бадий фильм.
21.25 «Транспорт ва йўловчи».
22.00 — 23.35 «Жаҳон муслиқси дурдоналари». Сергей Прокофьев. «Ромео ва Жульетта». Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли.
ЎЗТВ III

ЎЗТВ
17.50 Янгилıklar.
17.55 Ёшлар.
18.00 «Менин тақдирим». Телефильм (Тува).
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.30—9.00
18.20—21.40
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.40—23.20

ЎЗТВ
23.20 «Жонли сайёра».
23.50—23.55 Янгилıklar (рус тилида).
ЎЗТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10—19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мулькарусель».
«ОМАД» таъиниғлари:
19.55 Ёшлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
20.50 Ёшлар.
20.55 Видео — «О».
22.40 «Қулгиға нима етсин!» Ҳажвий кўрсатуви.
23.00 «Компьютер-Осиё».
23.30 — 23.40 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.

ШАНБА, 18

ЎЗТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Келинлар кўзголонни». Бадий фильм.
10.15 «Оналар мактаби».
10.45 «Достон тинглаб...». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отахон Матекубов ижро этди. 1-қисм.
11.30 Ешлар ва замон. «Тойлоқ ота фарзандлари».
12.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чирок».
13.05 «Яхшилар қатори Ўлдар оғим». Собир Абдулла таваллудининг 90 йиллиғига.
14.10 — 14.45 Эстрада концерти.
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Совга».
17.55 «Олам». Маърифий кўрсатуви.
18.55 Ёшлар.
18.55 «Ишингиз бароридан келисин!»
19.05 «Тиник ранглар жилоси». Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи қабул қилинган кун.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.
19.50 «Шарқ дурдоналари».
20.20 «Имкон чўққилари». Гинеснинг рекордлар оламида.
20.30 «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртақлари.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Юлдузли онлар».
22.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎЗТВ II
«ОМАД» таъиниғлари:
9.00 «Мульфильм».
9.15 «Табиат дунёси». Оммабон кўрсатуви.
10.05 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
11.30 Видеоид.
11.50 «Теле-ателье-шоу».
12.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
12.30 «Кинонигоҳ».
14.10 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
«Тошкент» студияси таъиниғлари:
18.30 Болалар учун «Табассум».
19.10 «Акс-садол».
19.40 «Менин кўчам».
19.55 «Эсдалик учун дастхат».
20.20 «Пульс». Хабарлар.
20.35 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!».
21.35 — 23.05 «Кинематограф».
ЎЗТВ III
ЎЗТВ
17.50 Дастурнинг очилиши. Ёшлар.
17.55 «Муъжизалар — гузаллик сирин». Ҳужжатли фильм («Ўзқинохроника»).

ЖУМА, 17

ЎЗТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Нозигойим». Бадий фильм.
10.25 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Ешлик» студияси. «Эъзо».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 Немис тили.
12.30 «Халқ ижодиёти». Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги «Чавку» халқ ансамбли.
12.55 — 14.55 «Маърифат» видеоканал.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтойимиз — гижинг-тойимиз».
18.00 Янгилıklar.
18.10 «Таянч нуқталари».
18.40 «Бўстон» телевизион журнали.
19.25 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшлар.

19.50 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Мозий бир назар».
21.55 «Умид» Раҳабий номидаги макомчилар ансамблининг концерти.
22.35 «Келинлар кўзголонни». Бадий фильм.
23.50 Ёшлар.
23.55 — 00.10 «Ахборот».

ЎЗТВ II
«ОМАД» таъиниғлари:
18.30 «Дунё бошлари».
19.00 «Ўтмишиз келажак йўқи». «Прометей» клуби фаолияти ҳақида.
19.30 «Билиб кўйган яхши».
19.55 «Орхидей» вилласи. Бадий фильм.
21.25 «Транспорт ва йўловчи».
22.00 — 23.35 «Жаҳон муслиқси дурдоналари». Сергей Прокофьев. «Ромео ва Жульетта». Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли.
ЎЗТВ III

20.20 «Монитор-Осиё». Тележурнал.
21.05 «Кўнгил кўприқлари».
21.45 «Би-Би-Си» янгилıkları.
21.55 «Эллада».
22.55 «Си-Эн-Эн» янгилıkları.
23.05 — 23.20 «Бу ажиб дунё».

ЯҚШАНБА, 19

ЎЗТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Камалак». Болалар учун нодастур.
10.00 «Ешлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Достон тинглаб...» артист Отахон Матекубов ижро этди. 2-қисм.
11.45 «Цирк! Цирк! Цирк!».
12.30 «Олтин тоғнинг сирин». Бадий фильм.
13.45 «Шоҳрўқ» клуби.
14.10 «Кўшигим, хон кўшигим».
14.45 «Футбол бўйича Ўзбекистон бадий фильм».
14.55 «Футбол бўйича Ўзбекистон кубоғи. Финал. «МХСК» — «Навбахор». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиш кўрсатуви.
16.50 «Нурли сиймолар». Киноқўрсатуви.

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Мульфильмлар».
17.55 «Сирли сандик». Телеуйин.
18.55 Спорт хабарномаси.
19.05 «Ойна жаҳонда...»
19.25 Ёшлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.50 Ёшлар.
19.55 «Дунёни қизғонма...» 65-дулла Орипов кўшиқлари.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Хафтанома».
21.20 Ёшлар.
21.25 «Санъат сеҳрин». Видеоканал.
22.55 Ёшлар.
23.00 «Футбол бўйича Ўзбекистон кубоғи. Финал. «МХСК» — «Навбахор» (эзиб олинган).
00.30 — 00.50 «Хафтанома».

ЎЗТВ II

«ОМАД» таъиниғлари:
10.00 Видео янгилıkları.
10.20 «Теле-ателье-шоу».
10.30 «Оламнинг яратилиши». Оммабон кўрсатуви.
11.00 «Гропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».
17.00 Мультиконцерт.
17.15 «Жаҳон географияси». Оммабон кўрсатуви.
18.10 Видео — «О». Бадий фильм.
19.50 Ёшлар.
19.55 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
20.15 «... яна об-хаво ҳақида».
20.25 «Профактум». Ҳафталик шаҳар.
20.35 «Қулгиға нима етсин!» Ҳажвий кўрсатуви.
21.00 «Америка юлдузлари».
21.30 Ёшлар.
21.35 «Даракчи».
21.45 Ёшлар.
21.50—23.30 Видео — «О».

ЎЗТВ III

ЎЗТВ
17.50 Дастурнинг очилиши. Ёшлар.
17.55 «Фильмлар тақдири». Телефильм.
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.25—22.50
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.50—23.20

ЎЗТВ
23.20 «Филон». Телефильм.
23.30—23.50 «Панорама» (рус тилида).
ЎЗТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эн! Тонгингиз хайрли бўлсин!» Мульфильм.
10.30 «Менин кўчам».
10.45 «Дароқе».
11.15 «Жонли сайёра».
11.35 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телефильм.
12.05 «Эртақларнинг сеҳри олами».
13.45 «Мюзик-холл».
14.15 — 14.25 «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида).

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Олатовнинг нурафшон чўққилари». Телефильм.
20.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Би-Би-Си» янгилıkları.
21.35 «Хорижнинг биринчи элчилари». Индонезия Республикаси.
22.20 «Си-Эн-Эн» янгилıkları.
22.30 «Осиё — АРТ». Урта Осиё ва Қозғистон муаммоларининг кўргазмаси.
23.00 — 23.20 «Бу ажиб дунё».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди.